«ASIA INSURANCE» АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
65-сонли БАЁННОМАСИ
(К Ў Ч И Р М А)

Ўтказилган сана ва вақти: 27 ноябрь 2026 йил, соат 10:00 да.

Ўтказилган жойи: Тошкент ш., Миробод тумани, Саид Барака кўчаси, 34 А уй.

Иштирок этганлар:

Кенгаш аъзолари	1. Абдусатторов Абдуазиз Абдусаламович 2. Узаков Умиджон Розикжонович 3. Пулатов Элёр Махмутович
Таклиф этилганлар	Сайдахмедов Сардор Хикматуллаевич – Бошқарув раиси
Мажлис котиби	Расулов Илхам Гайратович

Мажлис кворуми 100%. Мажлис ваколатли.

КУН ТАРТИБИ:

Жамият Бошқарувининг айрим аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Кенгаш раиси А.А. Абдусатторов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият Бошқаруви аъзоси Бекзод Абдусаломов бошқа лавозимга ўтказилиши муносабати билан Жамият Бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилган.

Б.Абдусаломовнинг ўрнига ахборот технологиялари соҳаси бўйича Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимига Азиз Махмудов тайинланган.

Шу муносабат билан, Б.Абдусаломовнинг Жамият Бошқаруви аъзоси сифатидаги ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва Азиз Махмудовни Бошқарув аъзоси сифатида тайинлаш таклиф қилинмоқда.

Шу билан биргаликда, Жамият Бошқаруви раисининг ўринбосари - Бошқарув аъзоси Равшан Нарзуллаевни Бошқарув таркибидан муддатидан олдин чиқариш, унинг ўрнига Бошқарув раисининг ички назорат бўйича ўринбосари Қудрат Эгамбердиевни Бошқарув аъзоси этиб тайинлаш таклиф қилинмоқда.

Кун тартибидаги масала юзасидан музокаралар якунланганидан сўнг Кенгаш аъзолари томонидан овоз берилди.

Овоз бериш натижалари: “ёқлайман” _3_, “қарши” _йўқ_, “бетараф” _йўқ_

Қабул қилинган қарор:

1.1. Кенгаш раиси А.А. Абдусатторовнинг кун тартибидаги масала юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. Жамият Бошқаруви аъзолари Б.Абдусаломов ва Р.Нарзуллаевнинг Бошқарув аъзоси сифатидаги ваколати муддатидан олдин тугатилсин.

1.3. Жамият Бошқаруви раисининг ўринбосари Махмудов Азиз ва Эгамбердиев Қудрат Жамият Бошқаруви аъзолигига тайинлансин.

1.4. Жамият Бошқаруви (С.Сайдахмедов) А.Махмудов ва Қ.Эгамбердиев билан Жамият ижроия органида Бошқарув аъзоси вазифасини бажариш тўғрисидаги шартномаларини имзолаш учун Кенгаш раиси А.Абдусатторовга киритсин.

Кенгаш аъзолари	**(имзоланган)**	**Абдусатторов А.А.**
	(имзоланган)	**Узаков У.Р.**
	(имзоланган)	**Пулатов Э.М.**
Бошқарув раиси	**(имзоланган)**	**Сайдахмедов С.Х.**
Мажлис котиби	**(имзоланган)**	**Расулов И.Г.**

Аслига тўғри _____ Расулов И.Г.

КОПИЯ ВЕРНА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ASIA INSURANCE AKSIYADORLIK JAMIYATI
ASIA insurance
REPUBLIC OF UZBEKISTAN ASIA INSURANCE JOINT-STOCK COMPANY